Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

● № 29 (21. 148) 1992 йил 11 февраль, сешанба ●

Баҳоси 60 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ КОМИТЕТИ (ДАВЛАТ МУЛКИ КОМИТЕТИ)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро эта бориб ҳамда республика ҳудудида бозор муносабатларини шакллантириш, тадбиркорлик ва рақобатчиликни рағбатлантириш, унумли меҳнат имкониятларини кучайтириш, шунингдек давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида ягона сиёсатни ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт комитети ва Давлат статистика комитети ходимлари сони ҳамда маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитети (давлат мулки комитети) ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки комитети Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарамоғида бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига ҳисобот беради.

2. Қуйидагилар давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитетининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қилиб белгиласин:

давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш чоғида халқнинг мулкий ҳуқуқларини ва ижтимоий адолат қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий мустақиллиги ҳамда миллий хавфсизлигини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини республика мулки ҳамда маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига (коммунал мулкка) ажратиш;

давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар ҳамда мулкнинг турлари ва гуруҳларини аниқлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан дастурларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг муҳокамасига тақдим этиш ва амалга ошириш;

республиканинг давлат мулкини жамоа, ижара, акционерлик, хусусий мулкка ҳамда ўзгача мулкчилик шаклларига асосланган бошқа корхоналарга айлантириш тартиби ва воситасини белгилаш;

республика давлат мулкини хусусийлаштиришда ажнабий юридик шахслар ҳамда фуқароларнинг иштирок этишларида белгиланган миқдор ва тартибни асослаб бериш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ давлат мулки бўлган аниқ объектларни, аввало кам фойда келтирадиган ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

давлат мулкини рўйхатга олиш, давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қийматини баҳолаш ишларини ташкил қилиш;

хусусийлаштиришга доир кимошди савдолари ва танловларини ўтказиш тартибини, уларда харидорларнинг иштирок этиш шартларини ишлаб чиқиш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш махсус жамғармаларини тузиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибига оид таклифларни асослаб бериш;

республика мулки билан коммунал мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига ташкилий ва услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш, коммунал мулк объектларининг тасарруфчилари бўлмиш идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш комитетининг, унинг жойлардаги органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий бошқарув органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбуриийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки комитетининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиши, комитет низомини ва тузилмасини тасдиқлаши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ М. ҚОРАБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Муҳаммаджон Қорабоев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ С. Д. САЙДАЛИЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунининг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

Ўртоқ Сайфулла Давирович Сайдалиев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 февраль.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 8 февраль куни Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг вакиллари билан учрашди. Ёшларни тўлқинлантираётган масалалар ва муаммолар хусусида самимий, ошкора ва қизиқарли суҳбат бўлди.

Учрашув чоғида республика бошлиғи бугунги кунда талабалар қандай яшаётгани, уларни нималар тўлқинлантираётгани билан қизиқди. Ёшлар дилдан, ошкора гапирдилар. Уларнинг таклифлари, фикр ва мулоҳазалари катта эътибор билан тингланди.

Учрашувда жаҳоннинг 90 тадан кўпроқ мамлакати ҳозирнинг ўзидаёқ тан олган Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги республика фуқароларини, айниқса, ёшларини атрофлича тарбиялаш, улар илми ва савиясини ошириш учун катта имкониятлар очаётганлиги таъкидланди. Айни вақтда жамиятни демократиялаш жараёни ҳар бир кишидан тартиб ва интизомга риоя этишни талаб қилаётганлиги таъкидланди. Масалан, айниқса, маиший масалаларни ҳал этиш зарур бўлган ерларда талабалар ўзини ўзи бошқарувини, ижодий куч-ғайратларни бирлаштириш ғоясини табриклаш керак, холос. Талабалар ўзини ўзи бошқаруви ҳокимият бошқа тузилмалари фаолиятини истисно этмайди, у янада самаралироқ ишлаш мақсадида бошқа тузилмалар билан мувофиқлаштирилиши керак.

Суҳбатда кўплаб ёшларни тўлқинлантираётган олий ўқув юртларига кирувчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш, имтиҳон жараёни масалалари ўртага қўйилди. Билимгоҳларга танлаб олиш масаласига холис ёндошиш муҳимлиги таъкидланди. Ана шундагина олий мактаб ҳақиқатан ҳам қобилиятли ёшларга эга бўлади, бу ёшлар кейинчалик республикамизнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўша оладилар.

Мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон халқаро майдонга чиқмоқда. Бундай шароитда олий таълим мутахассислари олдига янги талаблар қўйилади, айни вақтда олий ўқув юртларида таълим бериш тизимининг ўзи қайта кўриб чиқилиши керак. Халқаро ҳамжамиятга қўшилиб фаолият кўрсатиш учун республикамизга ҳар томонлама камолатга эришган, яхши тайёргарликдан ўтган мутахассислар керак.

Суҳбатда Тошкент ҳокими А. И. Фозилбеков, давлат маслаҳатчиси У. Азимов қатнашдилар.

(ЎзА).

УЛУҒ ШОИР ВА МУТАФАККИРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўтган якшанба куни республикамиз ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий таваллуд топган кунинг 551 йиллигини тантанали нишонлади.

Ушбу сана шарафига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, республика ҳукумати, пойтахт ҳокимияти, жамоат ташкилотлари номидан улуғ шоир ва мутафаккирнинг Тошкентдаги ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Гуллар қўйиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида Алишер Навоий таваллуди санасига бағишланган кечалар, кўргазмалар ўтказилди, концертлар бўлди.

(ЎзА).

Риштон районидаги Мамадалик Тожибоев номли жамоа хўжалиги устахонасида техникани кўкламга шайлаш ишлари авжида. Сифат комиссияси аъзолари анчагина техникани қабул қилиб олишди.

Суратда: слесарь Абдумалик Мансуров. У 32 йилдан бери ана шу устахонада меҳнат қилмоқда.

Ш. АЛИМОВ олган сурат. (ЎзА).

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

9 февраль куни халқ нойблари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Республика Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига биноан илгари Сирдарё вилояти ижроия қўмитасининг раиси бўлиб ишлаб келган Б. Маҳмудов Сирдарё вилоят ҳокими этиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ТАЙИНЛАНДИ

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Вилоят маъмуриятининг бошлиғи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига биноан халқ нойблари Жиззах вилоят Кенгашининг раиси Э. Турсуновни Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тасдиқладилар.

Эркин Турсунов 1941 йил 13 апрель куни Чимкент вилоятининг Сариғоч қишлоғида туғилган. 1976 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий билимгоҳини тугатгач, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот илмгоҳига кичик илмий ходим қилиб юборилди. Кўп йиллар давомида сув хўжалиги идоралари тизимида ишлади. «Каршиводстрой» бошлиғи, «Средазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари, бошлиғи лавозимларини эгаллади. Сўнгра СССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида республика Вазирлар Кенгашининг доимий вакили бўлди, партия ва совет ишида хизмат қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Сессия ишида Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

(ЎзА).

МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ ЙИҒИЛИШИДА

МДҲГА АЪЗО БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИДА ВА ЭКОЛОГИЯ ДАСТУРЛАРИНИ БИРГАЛИКДА ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА КЕЛИШИЛГАН СИЁСАТ ЮРИТИШ ҲАҚИДА КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

МОСКВА. 9 февраль. (РАТА — ТАСС). МДҲ давлатлари ҳукумат бошлиқлари кенгашининг кеча Москвада бўлиб ўтган мажлисида «Экология ва теварак атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро алоқа ҳақидаги битим» имзоланди. Ҳужжат ҳар бир давлатнинг зиммасига МДҲ доирасида «ССР Иттифоқи илгари тузган халқаро битимларни назарда тутиб бу соҳада келишилган сиёсат» юритиш мажбуриятини юклайди.

Томонлар бу соҳада келишилган сиёсатни таъминлаш учун давлатлараро экология кенгаши тузиш ва унинг ҳузурида қўшма дастурларни бажариш, аввало экология фалокатларининг оқибатларини тугатиш учун давлатлараро экология жамғармасини тузиш ҳақида келишиб олдилар.

СОБИҚ СССР МАМЛАКАТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИНГ ҲУДУДЛАРИДАН ЮКЛАРНИ БЕМАЛОЛ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА БИР БИТИМГА КЕЛДИЛАР

МОСКВА, 9 февраль (РАТА — ТАСС). Собиқ СССРнинг тўққизта республикаси ва Грузия бир-бирларининг ҳудудлари орқали юкларни бемалол ўтказиб юбориш ҳақида кеча бир битимга келдилар. Юкларни ўтказиб юбориш тартиби тўғрисида Москвада имзоланган битимда айтилишича, «Ҳамдўстлик давлатларининг божхоналари орқали ташиб ўтиладиган юклар юк олиб ўтиладиган давлатларда божхона солиғи, бож ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун солиқлар ва йиғимлардан ҳамда юкларни олиб ўтиш учун ижозат олиш зарурати-дан ҳалос этилади». «Бундай юклар божхонада текширишдан ҳалос этилади». Учинчи мамлакатлардан ёки МДҲдан учинчи мамлакатларга ўтказиладиган юклар учун шу юклар жўнатилган ва жўнатган давлатда тегишли равишда божхона ҳужжатлари расмийлаштирилиши лозим.

Битимни Украина имзоламади.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

МОСКВА, 9 февраль (РАТА—ТАСС). Ҳукумат бошлиқлари кенгашининг кечаги мажлисида «Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги электр энергетикаси соҳасидаги давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш тўғрисида» протоколь имзоланди. Ҳужжатда электр энергетика кенгашини тузиш, унинг зиммасига «ҳар бир давлатнинг манфаатлари йўлида туташ энергетика тизимининг фаолиятини ва тараққиётини таъминлайдиган биргаликда ёки мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш» вазифасини юклаш кўзда тутилади.

Ижроия қўмита электр энергетика кенгаши ҳузуридаги ишчи идораси бўлади, қўмита Москвада жойлашади. «Ҳамдўстлик давлатлари электр энергетика идораларининг биринчи раҳбарларига, — дейилади ҳужжатда, — мустақил давлатлар ҳамдўстлиги энергетикаси соҳасидаги давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш тўғрисида 1992 йил 14 февралда ҳукумат бошлиқлари томонидан имзолаш учун битим тайёрлаш, унда электр энергетика кенгаши ва унинг ишчи идоралари вазифалари, тузилиши, пул билан таъминлаш манбаларини белгилаш» топширилди.

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ХУСУСИДА

МОСКВА, 9 февраль. (РАТА—ТАСС). МДҲ давлатлари ҳукумат бошлиқлари кенгашининг кеча бўлиб ўтган мажлисида «Гидрометеорология соҳасидаги ўзаро алоқалар ҳақида» битим имзоланди. Ҳужжатда «илгари ишлаб чиқилган ва собиқ СССР томонидан тузилган халқаро битимлар»ни эътиборга олиб, «гидрометеорология ахбороти олиш ва ундан фойдаланиш соҳасида» ягона сиёсат юритиш кўзда тутилади.

Томонлар, ўзаро мунтазам ахборот айрибошлаб туриш, шу жумладан, табиий офатлар чоғида бир-бирларига хабар бериш, ҳаммани қизиқтирувчи масалалар соҳасида биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, гидрометеорология соҳасида биргаликда кадрлар тайёрлаш, халқаро мажбуриятларни бажариш ҳамда жаҳон метеорология ташкилоти билан ўзаро алоқаларни таъминлаш ҳақида келишиб олдилар, шунингдек «қуролли кучларни гидрометеорология ахбороти билан таъминлашни уюштириш»ни ўз зиммаларига олдилар.

Шу қоидаларни бажариш учун МДҲнинг мувофиқлаштирувчи муассасаси сифатида давлатлараро гидрометеорология кенгашини тузиш кўзда тутилади, бу кенгаш тенглик асосида ишлайдиган бўлади.

Ҳужжатда айтилишича, битимга «ҳар қандай бошқа давлат қўшилиши мумкин» ва у имзоланган пайтдан бошлаб 8 февралдан эътиборан кучга киради.

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАРИД ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

МОСКВА, 9 февраль. (РАТА—ТАСС). МДҲ давлатлари ҳукумат бошлиқлари кенгашининг кеча Москвада бўлиб ўтган мажлисида «1992 йилда чет эллардан озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик хом ашёси, материаллар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини озиқ-овқат битимида кўзда тутилганидек, марказлаштирилган тарзда чет элдан харид қилиш тўғрисида» протокол имзоланди. Чет эллардан озиқ-овқат харид қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар соҳасида келишиб иш кўрилишини таъминлаш учун 14 февралга қадар МДҲ мамлакатлари ва Грузия Республикаси ҳукуматларининг мухтор вакилларидан давлатлараро комиссия тузишга қарор қилинди. Учинчи томонлар билан музокараларда Россия ҳукумати кафил бўлади ва бошқа мамлакатлар номидан иш олиб боради, деб келишиб олинди. Бериладиган қарзларни узиш учун Россия олдида МДҲ мамлакатлари ва Грузиянинг масъулияти тасдиқланди. Чет эллардан юбориладиган юклар ўз ҳудудида денгиз портлари ва темир йўлларда қабул қилиш пунктлари жойлашган давлатларнинг кучлари ва воситалари билан қабул қилиб олинади. Украиннанинг қарзга озиқ-овқат олиш соҳасида алоҳида ҳаракат қилиш соҳасидаги фикри хусусида берган баёноти инобатга олинди.

ТЕМИР ЙЎЛ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ЯГОНА ҲАҚЛАРИ

МОСКВА, 9 февраль. (РАТА—ТАСС). МДҲ давлатлари ҳукумат бошлиқлари кенгашининг кеча Москвада бўлиб ўтган мажлисида темир йўл транспортида йўловчилар ва юк ташишнинг ҳамдўстлик доирасида янги ягона тарифлари ҳақида келишиб олинди. Давлатлараро темир йўл қатновида 1991 йил 31 декабргача амал қилиб келган тарифлар; юк ташиш соҳасида 8,3 баравар, йўловчи ташиш соҳасида 3 баравар оширилди.

Янги тарифлар Москвада тегишли протокол имзоланган пайтдан бошлаб — 8 февралдан эътиборан кучга киради.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Корея Халқ-Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси Тошкентга келиб кетди. Делегацияга КХДР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Ин Гю бошчилик қилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қабул этилди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси билан КХДР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Кейинги вақтларда чет эллардаги баъзи оммавий ахборот воситаларида 1992 йил 1 январда кучга кирган Афғонистондаги «салбий симметрия» тўғрисидаги Совет—Америка битими МДҲга аъзо бўлган бир қанча давлатлар томонидан бузилмоқда, деган гап эўр бериб такрорланмоқда. Афғонистон Жумҳурияти ҳукумати Ўрта Осиё давлатларидан, жумладан Ўзбекистондан қурол-яроғ ва жанговар техника олиб турибди, деган фикр бўрттириб баён этилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳукумат номидан қуйидаги баёнотни беришга вакил қилинган:

«Афғонистонда ва унинг атрофида рўй бераётган воқеаларни Ўзбекистон халқи тўла масъулият билан идрок этмоқда. Ўзаро курашаётган томонларга қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш масаласида илгари эришилган аҳдлашувларга Ўзбекистон ҳукумати тўла-тўкис риоя этмоқда ва келгусида ҳам шу аҳдлашувларга қатъий амал қилиш ниятидадир».

ХДП: САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР

Янги рукн очиб тўғри қилдингизлар. Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низоми партия ҳаётига доир масалаларни тўла қамраб олмаган. Бу тушунарли. Чунки, Низом партия ҳаётининг умумий қоидаларини жамлайди. У қисқа ва лўнда қилиб ёзилган. Шу сабабли баъзи қоидаларда тушуниб олиш қийин бўлган жумлалар бор. Шу сабабли ҳам сизлардан рўзнома саҳифасида ишлаб чиқариш бирлашмалари шароитида партия ташкилотларининг ташкилий тузилиши қай тарзда таркиб топишини тушунтирувчи мақола беришингизни илтмос қиламан.

С. ҚОДИРОВ,
Қарши шаҳри.

Партия Низомига ишлаб чиқариш бирлашмалари шароитларида бошланғич партия ташкилотларини тузишга доир ва унинг фаолияти таркибини белгилаб берадиган махсус қоидалар киритилмаган. Аммо ўзига хос баъзи хусусиятларни ҳисобга олиш шарт. Масалан, агар бирлашма таркибига кирадиган яхлит корхона ёки унинг бир қисми бир шаҳар ёки район доирасида жойлашган бўлса, ушбу корхонада ишлаётган партия аъзолари ўз фаолиятлари хусусияти ва шароитидан келиб чиқиб, ягона бошланғич ташкилотга бирлашишлари мумкин. Мабодо бирлашма корхонаси бошқа шаҳар ёки районда жойлашган бўлса, уларнинг ҳар бирида мустақил бошланғич партия ташкилоти тузилади. Бу иш Ўзбекистон ХДП Низомининг бошланғич ташкилотларни ҳудудлар бўйича район, шаҳар партия ташкилотига бирлаштириш назарда тутилган 10-моддасига риоя этилган ҳолда бажарилади.

Албатта, кўзда тутилган ушбу ҳолларнинг ҳаммасида ҳам ишлаб чиқариш бирлашмасининг турли корхоналарида ишлаётган партия аъзолари фаолиятини ягона мақсадга қаратиш зарурияти вужудга келади. Агар ягона бошланғич ташкилотни тузиш имконияти бўлмаса, у ҳолда Низомнинг 13-моддасига биноан партия аъзоларининг партия клублари, сиёсий марказларга касб-кор бўйича ва бошқа шаклларда бирлашишлари мумкин. Бундай шакллардан бири тегишли ишлаб чиқариш бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилотлари котибларининг кенгашини тузиш ҳам бўлиши мумкин.

ХДПнинг Низомида ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ҳақидаги айтилган фикрлар анча хира. Шу сабабли унга аниқлик киритишни илтимос қиламан. Масалан, ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари нима учун тузилади-ю, улар нима билан шуғулланади! Шунга жавоб берсангизлар!

Ш. ШОМУРОДОВ,
Бекобод шаҳри.

Ўзбекистон ХДП Низомининг 19-моддасига мувофиқ ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари район, шаҳар ҳокимиятлари органларига сайлов ўтказувчи бир ёки бир қанча сайлов округи (одатда бу бир сайлов участкаси) доирасидаги партия аъзоларини бирлаштиради. Жаҳонда амал қилиниб келинаётган умумий тажрибада парламент ҳилидаги партия фаолияти (Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ана шундай партия хилига киради)шуни кўрсатмоқдаки партия аъзоларини сайлов ўтказувчи округлар бўйича ташкилий бирлаштиришнинг ана шу шакли сайлов кампаниялари даврида аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб бориш вазифасини энг яхши тарзда бажариш имконини беради. Бундан ташқари, ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари сайловлар ўртасидаги даврда сайловчилар билан партия аъзоси бўлган халқ ноибларини ўзаро боғловчи бўғин вазифасини ўташга ҳам даъват қилинган. Уларга у ёки бу Кенгашга сайланган ХДП аъзоси бўлган ноибларни қўллаб-қувватловчи ташкилот вазифасини бажариш ҳам топширилган.

М. ЕЛЬШОВ,
Ўзбекистон ХДП таҳлил ва тахмин гуруҳининг раҳбари.

■ *ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ*

БОЖХОНА ЮКНИ ЎТКАЗМАДИ

● Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирида таълим олаётган Вьетнамлик талаба Ватанига юк жўнатмоқчи бўлди. Лекин божхона бу юкни ўтказмади — унда яширинча кўп миқдордаги моллар жўнатилаётганлигини аниқлади. Қоидабузарлар маъмурий жавобгарликка тортилди. Яширинча жўнатилаётган учта катта қутидаги дори-дармонлар мусодара этилди ва экспертлар текшириш ўтказгандан сўнг педиатрия илмий-тадқиқот илмгоҳининг шифохонасидаги бемор болалар учун бепул берилди. Бисептол, ампиокс, кеофан, кофоран, линкоцин... Буларнинг ҳаммаси чет элдан келтирилган тақчил дори-дармонлардир. Уларнинг баъзилари икки-уч болани даволашга етса, бошқалари бутун касалхона учун икки ойга етарлидир.

Божхонадаги бу фавқулодда ҳодисани шарҳлаб беришни Ўзбекистон Республикаси божхоналар комитетининг раиси Э. М. ЖЎРАЕВдан илтимос қилдик.

— Амалдаги божхона қоидаларига кўра, барча тоифадаги фуқаролар — совет кишилари ҳам, хорижий кишилар ҳам дори-дармонлар олиб ўтишига рухсат этилган. Лекин врачнинг рецепти билан бир кишини даволаш учун етадиган дори-дармонни олиб ўтишга рухсат этилади. Мазкур ҳолда юкни яширинча олиб ўтишга уринилган. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида дори-дармонларнинг нархи биздагидан анча қиммат. Шундан фойдаланиб бизнес қилишга уринишмоқда. Божхона чекловлари тўғрисида фуқаролар хабардор қилинди. Хорижга юк жўнатиш чоғида улар қандай юкни олиб кетаётганликлари тўғрисида декларация тўлдиришлари шарт. Вьетнамлик талаба эса ана шу рўйхатга дори-дармонларни киритмаган.

— Молларни яширинча олиб кетишаётганини аниқлаш қийинми?

— Бунинг учун биз махсус техникадан фойдаланамиз. Бу техника юк нималардан иборат эканлигини кўришга имкон беради. Агар шубҳа туғилса очиб кўрилади. Тошкент божхонаси музейида молларни яширинча олиб ўтувчиларнинг хийлаларини кўрсатадиган намуналар тўпланган: олиб кетиш тақиқланган мол дазмол, электр плита, холодильникнинг ичига жойланган. Хатто китоб тарзидаги идишлар ҳам бор. Сўнгги уч ойда Тошкент божхонасида наркотик моддаларни олиб кетишга бир неча бор уриниш фош этилди. 11 минг шишачадаги наркотик модда мусодара этилди, уларнинг кўп қисми МДҲ республикаларининг Ҳиндистондан қайтиб келаётган сайёҳларидан мусодара этилди. Махсус ўргатилган ит бундай моддаларни топишда ёрдам беради. Ҳужжатлар сохталаштирилган тақдирда (валютани олиб чиқиб кетиш чоғида кўпинча шундай қилинади) бундай сохталикни махсус асбоб аниқлайди. Оператив фаолиятда қўлланиладиган, яширин равишда олиб кетилаётган молларни аниқлашга имкон берадиган бошқа усуллар ҳам бор. Масалан, ана шундай усуллар ёрдамида ўтган ёзда уч ярим минг дона қўл соатини Афғонистонга олиб кетишга уриниш барбод этилди.

— Чет элга нималарни олиб чиқиш мумкин эмас?

— Наркотик, психотроп моддалар, қурол-яроғлар, ўқдорилар, портловчи ва кимёвий моддаларни олиб кетишга рухсат берилмайди. Бундай молларни республикага олиб келиш ҳам тақиқланган. Маданият вазирлиги мутахассисларининг рухсатисиз қадимий санъат буюмларини олиб кетиш тақиқланган. Чунончи, Тошкент божхона ходимлари ўтган йили 16 та ана шундай ҳолга дуч келдилар. Рухсат этилган миқдорга қўшимча совет пулларини олиб чиқиб кетишга доир 57 факт аниқланди.

Белгиланган тартибни бузувчилар қонунга мувофиқ жавоб берадилар. Божхона ходимлари бундай моллар мусодара этилгани ҳақида протокол тузадилар. Агар молларнинг қиймати 10 минг сўмдан кам бўлса тартиббузарга маъмурий жазо берилади. Яъни, у 100 сўмгача жарима тўлайди. Агар юкнинг қиймати 10 минг сўмдан кўп бўлса иш тергов идораларига ошириладн.

— Мусодара этилган моллар тақдири нима бўлади?

— Наркотик моддалар йўқ қилиб ташланади. Олтинни тегишли протокол билан давлат хазинасига топширамиз. Маданият буюмлари музейга топширилади. Музейдаги буюмлар бизнинг ёрдамимиз билан анча кўпаймоқда.

Масалан, «ипак йўли» телемарафони вақтида чет элга олиб чиқиб кетилаётган пайтда аниқланган кўп миқдордаги қадимий буюмлар Тошкент ва Самарқанд музейларига бепул топширилди. Филателистлар жамиятига нодир почта маркаларининг жамламаси топширилди.

Мусодара қилинган саноат моллари шаҳар молия бўлими орқали воситачи дўконларга чиқарилади, уларни сотишдан олинган даромад маҳаллий бюджетга ўтади. Дори-дармонларни эса шаҳар молия бўлими орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шифохоналарига жўнатяпмиз. Лекин юқорида келтирилган ҳолда — въетнамлик талабадан мусодара этилган дори-дармонларни тегишли акт тузиб бевосита шифокорларнинг қўлига топширдик.

— Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар божхоналар комитети фаолиятига қандай таъсир қилди.

— Иш ҳажми кўпайди. Ташқи иқтисодий фаолият ҳуқуқини олган қўшма корхоналарнинг фаолияти натижасида катта миқдордаги юкларни назорат қилишга тўғри келмоқда. Халқаро йўлларда қатнаш ҳам кўпайди. Чунончи, Туркия, Саудия Арабистони, Исроил билан мунтазам ҳаво йўли очилди. Бу йил Тошкент билан Исломобод ва Нью-Йорк ўртасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишда божхоналар ташкилотининг масъулияти ошди.

— Эркин Мнассарович, айрим ахборот воситаларида Ўрта Осиё Республикаларидан, жумладан, Ўзбекистондан Афғонистонга қуроляроғ етказиб бериляпти, деган хабарлар пайдо бўлди. Шу хабарлар тўғрими?

— Ўзбекистон — Афғонистон чегарасини республика божхоналар ташкилоти жуда қаттиқ назорат қилиб турибди. Шу чегара орқали Ўзбекистондан ва МДҲга аъзо бўлган бошқа мамлакатлардан қўшниларимизга битимга мувофиқ ёнилғи, нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари, бошқа бир қанча юклар ўтади. Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришга келганда эса, мен хабардор киши сифатида бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаман: бу миш-мишлар ҳақиқатга тўғри келмайди.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзА мухбири.

■ *Талабалар: имтиёз, бурч ва масъулият*

МАҚБУЛ ЙЎЛ

Президентимиз ғамхўрлиги туфайли Қашқадарё вилоятида дорилфунун, мустақил институт ва бир қанча олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилмоқда. Шу бўйича тегишли вазирликлар томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биз вилоят ҳокими ўринбосари О. Д. ПАРМОНОВ билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик:

— Озод Давронович, Қашқадарёда қатор олий ўқув юртларининг очилиши шаҳар ва қишлоқларимизда илм-фан тараққиётига кенг йўл очилганлигидан далолат. Ҳозир қандай ташкилий ишлар амалга ошириляпти.

— Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов президентлик сайлови ва республикамиз мустақиллиги учун умумхалқ референдуми арафасида вилоятимиз жамоатчилиги вакиллари билан учрашувда яқин вақтда Қашқадарёда бир қатор олий ўқув юртларини очиш мўлжалланаётганлигини таъкидлаган эди. Бундан ташқари бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги пайтда нархнавонинг ошиб кетганлиги муносабати билан марказий шаҳарларда ўқиётган талабаларнинг ота-оналари фарзандларини Қарши шаҳридаги олий ўқув юртларига ўтказишни сўраб вилоят раҳбариятига мурожаат қилмоқдалар.

Бу масалалар Президентимиз Ислом Каримовга, Вазирлар Маҳкамасига маълум қилинди. Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликлардан бир гуруҳ мутахассислар келиб воҳадаги билим даргоҳлари моддий-техника базаси, шароитларини ўрганиб шундай қарорга келишди: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали базасида мустақил Қарши аграр-иқтисод институтини, Тошкент техника дорилфунунининг Қарши умумтехника факультетини филиалга айлантириш, Тошкент автомобиль ва йўллар институти, меъморчилик ва қурилиш институти, химия-технология институтларининг ўқув-маслаҳат пунктларини очишга, Тошкент иқтисод дорилфунунининг ўқув-маслаҳат пункти базасида эса дорилфунун филиалини, Қарши тиббиёт билим юрти базасида Тошкент тиббиёт институти филиалини ташкил этиш, Қарши давлат педагогика институтини давлат дорилфунунига айлантириш, Шаҳрисабздаги 32-ҳунар-техника билим юрти базасида Бухоро технология, озиқ-овқат ва енгил саноат институти умумий техника факультетини очишга келишиб олинди.

— Менимча, бу мутахассис кадрлар тайёрлашда ҳам муҳим аҳамият касб этса керак. Тўғрими?

— Ҳа, албатта. Воҳада илм-фанни тараққий эттиришнинг муҳим омилларидан бўлган олий ўқув юртларининг ташкил этилиши катта тарихий воқеадир. Биз бу борадаги қийинчиликларга қарамасдан бир қатор ташкилий тадбирларни амалга оширяпмиз.

Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» мухбири

Мусо КАРОМОВ.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Оқолтин районидаги Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотни бера бошлади. Ҳозир бу ерда эркаклар шими ишлаб чиқариляпти.

Қўшма корхонада тикилган чиройли ва бежирим маҳсулот учун хом ашё Италиядан келтириляпти. Шартномага кўра, барча йигирув-тўқув ускуналари ўрнатилиб бўлингач, корхона фақат ўзбек пахта толаси эвазига маҳсулот тайёрлайди.

— Биз ҳамкорликни йўлга қўйганимиздан миннатдормиз, — дейди италиялик мутахассис Жузеппе Беттега. — Эндиликда фойдали алоқаларни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Янги корхонада етук ишчи кадрлар тайёрлашга ҳам эътибор қаратилган. Мураккаб технологияли ускуналарни бошқаришни маҳаллий йигит-қизлар қунт билан ўрганишяпти. Бу борада уларга ҳамкор фирма мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) тикувчи Гулмира Юнусова, «Каррера» фирмаси вакили Ж. Беттега ва Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси директори Ҳ. Фармоновлар компьютер орқали бошқарилувчи «Римольда» ускунасининг иш сифатини кузатишяпти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

■ **«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» РЎЗНОМАСИГА ЯНА БИР ЖАВОБ**

МАЧИТЛАР АТРОФИДАГИ КЎЛАНКАЛАР

Эшикдан кириб келган ҳар қандай кишининг дўст бўлавермаслигини ҳамма билади, аммо дили пок инсонлар фақат яхшиликдан умид қилишади. Шунинг учун ҳам биз ўзбек халқи, ёшу-қаримиз ташқаридан дафъатан кириб келган меҳмонга энг азиз жойни кўрсатамиз, топган-тутганимизни олдига қўямиз. Начора, шу пайтгача хоҳ оқ империя, хоҳ қизилидан келганлар асосан тузимизни еб, тузлиримизга тупуришга ҳаракат қилдилар. Очиқ кўнгил билан олдига қўйилган овқатимизни хушомадгўйликка, берган совғамизни порага йўйдилар, ҳалол нон—ҳаққимизни еб, ўзимизни боқиманда аташди.

Биз ҳам энди тарихнинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб, ўз тақдирмизни ўзимиз ҳал қилайлик, ҳар бир келгиндига хушомад қилавермайлик, оқ-қорани ажратиб яшайлик, деган хулосага келдик.

Аммо, ҳа, ҳаётнинг мана шу аммоси кўп. Ҳализгача ўзларини «Сизнинг катта оғангиз бўламиз, биз маслаҳат бериб туришимиз керак» дейдиганлар кўп. Уларнинг кўзларига чироқларимиз хира, аммо еганларимиз ширин кўринади. Ўзимиз мустақил тебратиб турган ҳаётимиз маслаҳатгўйларга малол келади. Улар ташқаридан келиб бизларни миллатларга, вилоятларга, саводли, саводсизларга ва ҳатто табақаларга бўлиб чиқишади. Мана шундайлардан яна иккитаси Тошкентга келиб ўз маслаҳатларини «Комсомольская правда» рўзномасида эълон қилишибди.

Жоиз бўлса шуни айтиш керакки, бу рўзнома охирги пайтларда ўта маслаҳатгўй бўлиб қолди. Ишбилмас ақл ўргатар, деганлари шу бўлса керак-да. Биз эса андишага борамиз, рад жавоблар ёзмаймиз. Кўпинча босиқлик қиламизда «ит ҳурар, карвон ўтар» деб қўяқоламиз. Аммо баъзиларини кўриб чидаб ҳам туролмайсан киши. Ҳа, жавобини бермасак шу пайтгача «андишанинг отини қўрқоқ» деб келишди.

Рўзноманинг 4 февраль сонида Д. Сабов ва И. Черняклларнинг «Мачитлар соясидаги руслар. Ўзбекистон аср охиридаги сиёсий манзара» («Русские на фоне мечетей. Узбекистон: политический пейзаж конца столетия») деган мақоласи босилиб чиқди.

Муаллифлар ўз мақолаларида бир қараганда, бизнинг сиёсий аҳволимизга ташқаридан назар ташлашипти, хато ва камчиликларимизни айтар, деган маънода уни интилиб ўқийсан киши. Аммо мақола ичидаги заҳар ва ғаразгўйликлардан «ё тавба» деб ёқа ушлайсан. Бевосита «бу бандаларнинг мақсади нима?» дегинг келади ва яқиндагина Талабалар шаҳарчасида — Толибободда (мен шундай деб атаган бўлардим) бўлган воқеалар, уларнинг ортидаги Президентимиз айтган қора кучлар ёдингиздан ўтади. Мақолани ўқиб беихтиёр хулосага келасан киши, ҳа ўша қора кучлар мана шу ўз ҳаёт-мамотини, иқтисодини ўзгаларга бериб қўйиб, уларнинг меҳнатига суяниб яшамаган ва яшамайди ҳам. Бироқ республикамиз халқи ҳаёти билан яшаб, унинг оғир кунида ҳам, яхши кунида ҳам бирга бўлган одамларга қайси миллатдан эканлигидан қатъи назар қалбимиз очиқ. Дўстмиз, биродармиз. Шунга кўнмаганлар эса ихтиёри ўзида, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Аммо маслаҳатчилар қўрқишмасин, иқтисодиётимизнинг бирон соҳаси ҳам тўхтаб қолмайди. Ҳаёт тўхтаб қолади, ёки фақат калтабинлар, калтафахмлар ўйлаши мумкин. Буни кўролмаслик эса булоқ бўлса керак-да, деб. Мақола муаллифлари бўлмиш сабовчерняклар Ўзбекистонда яшовчи турли миллатга мансуб фуқаролар ўртасида низо чиқаришни хоҳласалар керак. Мақола бевосита шунга қаратилган, бутун моҳияти Ўзбекистоннинг ҳар хил миллатга мансуб аҳолисини бир-бирига гиж-гижлашга, зафаримизга шак келтиришга уринишга бағишланган. Уларга якдиллик билан Президент сайлаганимиз ёқмайди. «Эрк» билан «Бирлик»ни Президентимизга қарши қўйишга, уларни ҳам ўзаро гиж-гижлашга ҳаракат қилишади муаллифлар. И. Каримовнинг миллий сиёсати гўёки «Эрк» ва «Бирлик»нинг сиёсатидан фарқ қилармиш. Жаноби маслаҳатчилар, марҳамат қилиб партияларимизнинг дастурини кўзингизни очиброқ ўқиб кўринг! Уларнинг ҳаммаси миллатлар тинч-тотувлиги, аҳиллиноқ яшаши тарафдори.

Уятсизларга уятдан гапириш бемаънилик, шунинг учун бу мақолани асосан ўз халқимизга дўст-душманни ажратиш учун ёзмоқдамиз. Демоқчимизки, жаноби «маслаҳатчилар» ўз балоларингга ўзларинг жавоб берингилар, акс ҳолда ҳақиқатда ҳам бизнинг халқимиз чапдастроқ. Бу халқ тарихан миқни бўтқадан ажратолмаслик холос. Шунинг учун маслаҳатчиларимизга лочирани юпқа деб шўрвасини тўкиб юборманг, демоқчимиз.

Хавотир олманг, Президентимиз Нажибуллога аталган самолётда қочмоқчи ҳам эмас, у шу халқнинг фарзанди, шу халқ билан ўлса ўлиб, тирилса тириладиганлардан. Фақат унинг ўз халқидай чўрткесар, қаттиққўллигини унутманг. На Президентимиз, на халқимиз бошпана сўраб келганларнинг бошқаларга ўхшаб уйларига ўт қўймайди, бойлигига кўз ола қилмайди. Мана бу одиллигимизни унутманг. Шунинг учун рўзномаларимиздаги байналмилалликни хира кўз билан ўқиманг ва ўз қаттолликларингизни бошқаларга йўйманг.

Ўзбекистондан кетаётганларни тилга олиб, ачиниб ёзибсизлар. Айтишимиз мумкин, улар сизларга ўхшаш тоифасидан бўлса керак. Қолганларга барака берсин. Ҳа, бу юртдан кетмаган рус забон кишиларни сизлар Ўзбекистон уларни гаров учун олиб қоляпти, кетишга йўл қўймаяпти, деб ёзгансиз. Очиқ айтишимиз мумкин, ҳозир сиз айтган ўйинлар бизнинг демократик Ўзбекистонимизда ўтмайди, ҳар кимнинг имон-ихтиёри ўзида. Ким қаерда яшамоқчи бўлса унинг ўзи билади.

Энди мачитларга келсак, ҳа оқ-қизил империя даврида вайрон қилинган қадриятларимиз тикланаяпти. Бунга ғаразингиз келмасин. Ахир биз бошқа жойларда черковларнинг тикланаётганлигига қарши эмасмиз-ку. Нега энди қилдан қийиқ ахтариб ғайриликни қўймайсизлар. Нима учун бизнинг Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан алоқаларимиз яхшиланаётганлигини ёқтирмайсизлар. Буни тушунамиз — сизнинг шу пайтгача текин хом ашё манбаларингиз қўлдан чиқиб кетаяпти-да.

Дин масаласини ўртага қўйиб оғзингизга келганини қайтармай хўп гапирибсизлар. Муҳаммад Содиқ ва Зоҳиджон Хўжани тилга олибсизлар. Улар ўз жавобини ўзлари сизларга айтар деган умиддамиз. Шу билан бирга демоқчимизки, Ўзбекистон ўз динидан сиз айтгандай 70 йиллик қизил империя даврида ҳам қайтмаган ва келгусида ҳам қайтмайди. Аммо шуни билингки, Ўзбекистоннинг ўз давлат йўли бор. Президентимиз айтганларидай, бу йўл биронбир давлатдан андоза олиш билан чегараланмайди. Биз бошқа давлатлар тарихий ва тараққиёт тажрибасидан фақат ижобий фойдаланамиз холос. Ҳа, бу борада Президентимиз айтгандай — бизнинг ўз йўлимиз бор.

Мақолангизнинг яна бир жойида тарҳашлик қилгансиз. Яъни Туркияга Ғарб ёрдам берди, Ўзбекистонга ким ёрдам берар экан, деб. Биринчидан, Туркия ўша пайтларда ҳам баъзи давлатларга ўхшаб Ғарбнинг гуманитар ёрдамига оғзини очиб қараб ўтирган эмас эди. Ўз кучқуввати, онг-тафаккури ва ишбилармонлиги билан оёққа турди. Бу борада ўзбеклар ҳам жўнгина қилиб айтганда: «Садақага қорин тўймайди» дейишади.

Аминмизки, халқимиз оқ-қизил империя ботқоғидан чиқиб, ўз куч-қудрати, тафаккур ва қобилияти билан дадил оёққа туради. Бу борада унда имконият ва қобилиятлар етарли.

Армия, ҳарбийлар масаласини кўтарибсизлар. Кеч қолдингиз, ўз башоратларингиз узоқни кўролмаслигингизни билдириб қўйган. Ўзбекистон ўз гвардиясига эга бўлади ва сиз айтгандай «бошқаларнинг армиясини» боқмайди. Кўп синоатларни бошидан кечирган халқ ўз силсиласини соф олтиндай қилиб тиклайди. Халқимиз оёққа турди, бунга мисоллар излаш ўзларингизга ҳавола.

Аммо мақолангизда бизларга бериб чиқдиқмиз? Сизнингча қолган вилоятларда кимлар яшаяпти? Ёки сизлар айтганча қилиб Наманган ва Самарқанд ўзбекларини ёки тожикларини, Тошкентнинг русларини бошқа жойларга кўчирайликми?

Бу муаммолар тагида нималар ётганини тушуниш қийин эмас, чунки кўпларингиз яқин-яқингача тут моч еган тўрадай халқимизнинг тархонлари бўлиб юрардингиз. Энди эса бу текинхўрликларнинг умри тугади. Шунинг учун башорат қилишдан олдин ойнага қараб олинг. Инсонга ҳар замон-ҳар замонда ўз башарасини кўриб туриш фойдадан ҳоли эмас.

Биз 40 миллион эмас, 100 миллион бўлганда ҳам ўзаро тотув бўлсак, ҳар хил қора ниятлар ўз орзусига сира ҳам етолмайди. Халқимиз албатта тўқ ва фаровон яшайди. Табиий бойликларимиз, олтин ва бошқа маъданларимиз, ер-сувимиз ўзимизга етади, чунки ўз Ватанимизга мухаббатимиз, меҳнатсеварлигимиз ва фидойилигимиз бор. Бошқаларнинг еган ошига кўзимизни лўқ қилиб қараб турувчи халқ эмасмиз. Шу пайтгача ҳам «боқиманда» деганларни боқиб келдик. Мана энди бундан кейин пойинтар-сойинтар маслаҳатчилар, оқ ва қизил армияларнинг юртимизни топташига йўл қўймаймиз.

Ҳар ҳолда билиб қўйган яхши. Собиқ мустамлакалар озодликка чиқаяпти. Озодлик эса маълумингиз бўлсинки, ҳамма нарсадан улуғ. Бунинг қадрини 150 йил асоратда яшаб, сўнг ҳур замонларга етганларгина билади. Сизлар эса ҳали ҳам тарки одат амри махол дегандай оқни қора, қорани қизил, деб уқдиришга уриниб келмоқдасизлар.

Ҳа, биз табиатан Худонинг карами билан бир-биримизга қўшни яшаймиз. Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми буни тан олишимиз керак. Демак, бир-биримизни иғво қилмасдан, зимдан қора кучларни гиж-гижламасдан, тинч-тотув, ён қўшни-жон қўшни бўлиб яшашни ўрганишимиз лозим. Бу — замон ва халқларимизнинг талаби ва ҳаёт қонуни.

Халқларимиз, дўстпарварлигимиз абадий, аммо фақат Сабов, Черняк ва бошқаларгина ўткинчи бир одамлар холос.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАКТАБИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жаҳон бозори сари дадил йўл олмоқда. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтишнинг янги-янги усулларини излашга ундамоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда кўплаб кичик, қўшма, хусусий, ижара, ширкат корхоналари ва фермер хўжаликлари ташкил этилаётир. Мулкнинг янги услубларидаги корхоналарни бошқарадиган, уларнинг моҳиятига тушунадиган мутахассисларни — менежерларни тайёрлаш талаб қилинмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни қошида ташкил этилган ўзбек халқаро бизнес мактабини битирганлар бу муаммоларни ҳал этадилар. Мактабни битирган мутахассислар хусусий корхона очиш, кичик, қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари ҳамда фермерлик хўжаликларини ташкил этиш, бошқариш, хўжалик фаолиятини юритиш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбек халқаро бизнес мактаби жаҳондаги бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри иқтисодий, сиёсий, маданий ва савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишда халқаро иқтисодий муносабатлар асосларини биладиган, хорижий давлатлар тилларида гаплашадиган ҳамда замонавий компьютерлардан фойдалана оладиган мутахассислар тайёрлашга эътибор бермоқда.

Бизнес мактаби бозор иқтисодиёти шароитида давлат корхоналарининг, давлат ва жамоа, фермер хўжаликлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни реализация қилиш, талаб ва таклифни ўрганиш каби ишларни бажарувчи брокерлар, маркетинг хизмати ходимлари ҳисоб-китоб ишларини халқаро ҳисоб-китоб қондалари асосида олиб бора оладиган бухгалтерлар ва бошқа шу каби бозор иқтисодиёти қоидаларини биладиган мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган.

Бизнес мактаби ўз дастури ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича мутахассисларни АҚШ, Англия, Туркия каби мамлакатларга юбориш имкониятига эга. Бугунги кунда мактабда ўттиз нафар мутахассис ўқимоқда.

М. ПИРМАТОВ.

• *Дилдаги гаплар*

ИШОНЧ ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган тадбирларининг қадрига биз қариялар айниқса етмоқдамиз. Ёшим 80 га етди. Жуда оғир кунларни бошимдан кечиришга тўғри келди.

1931 йилда партия сафига кирдим. Узоқ йиллар оддий колхозчи, звено бошлиғи бўлиб ишладим. 1937 йилда Ўзбекистон Компартияси VII съездида делегат сифатида қатнашиб, мустақиллигимиз учун кураш олиб борган Ўзбекистоннинг етук фарзандлари қандай қатағон қилинганининг гувоҳи бўлдим.

Ўша йилларда жумҳуриятимизнинг минглаб ажойиб ўғил-қизлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовнинг «думи» деган айб билан нобуд қилиндилар. Буларнинг ҳаммаси марказдаги мустамлакачиларнинг узоқни кўзлаган сиёсати мудҳиш натижаси эди. Ўшандаёқ мен оддий қишлоқ аёли бўла туриб бу сиёсатнинг маъгзини чақдим Бундай қарашларни тарғиб қиладиган партия сафларидан йироқлашдим.

Сирасини айтганда халқимизга тазйиқ куни-кечагача давом этди. Ҳайриятки, Ислом Каримов сингари довюрак арбоблар бор экан. Уларнинг раҳнамолиги остида биз мустақиллик йўлига чиқдик. Кам даромадли табақалар бозор муносабатлари шароитида четда қолишмаяпти. Жумҳурият ҳукумати купонли карточкаларни жорий этиб жуда одилона йўл тутмоқда. Шундай қилинмаса, жумҳуриятдаги юз минглаб ногиронлар, нафақахўрлар, талабаларнинг аҳволи нима бўлади.

Мен ишонаманки, фарзандларим, невараларимнинг келажаги порлоқ бўлади. Бу оғир кунлар ўтиб кетади. Мустақиллик халқни фаровонлик йўлига олиб чиқади.

М. АЪЗАМОВА,
Бухоро вилояти Ромитан районининг «Шўрча» қишлоқ Кенгашида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЕР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 20 июнда қабул қилган «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ведомостлари, 1990 йил, 16—18-сонлар, 294-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида ер муносабатлари ушбу қонун билан ва Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади».

2. 2-модданинг 2-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерга эгалик ҳуқуқини Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши амалга оширади, у ушбу қонунга мувофиқ ер муносабатларини тартибга солишга доир баъзи масалаларда ҳуқуқларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига ва халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия қўмиталарига беради».

3, 4, 5, 6, 7, 8 ва 9-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4-модда. Халқ депутатлари қишлоқ советларининг ва уларнинг ижроия қўмиталарининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар халқ депутатлари қишлоқ советларининг ихтиёрида бўлади:

1) шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун бериладиган ер участкалари каттакичиклигининг меъёрларини тасдиқлаш;

2) қишлоқларнинг ҳудудидаги ерлардан фойдаланишни ва уларни муҳофаза этишни назорат қилиш.

Халқ депутатлари қишлоқ советлари ўз ихтиёрларига берилган ер муносабатларини тартибга солишга доир ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ва ҳал этишга ҳақлидир.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар халқ депутатлари қишлоқ советларининг ижроия қўмиталари ихтиёрида бўлади:

1) ўз ихтиёрларига берилган ер заҳираларини тасарруф этиш;

2) қишлоқ аҳоли пунктлари доирасидаги жамоа ва давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари таркибида бўлмаган ерларни, ер участкасининг каттакичиклигидан қатъи назар, бериш ва олиб қўйиш;

3) ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерларни ижарага олиш шартномаларини рўйхатга олиш;

4) шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, турар жой қуриш ва ободонлаштириш, шунингдек ўт ўриш ва мол боқиш учун фуқароларга бериб қўйилган ер учун ҳақ олиш;

5) ушбу ижроия қўмиталаридан ер олган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ерга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш.

5-модда. Халқ депутатлари шаҳар ва посёлка советларининг ҳамда уларнинг ижроия қўмиталарининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳар (посёлка) доирасида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш халқ депутатлари шаҳар ва посёлка советларининг ихтиёрида бўлади.

Халқ депутатлари шаҳар ва посёлка советлари ўз ихтиёрларига берилган ер муносабатларини тартибга солишга доир ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ва ҳал этишга ҳақлидир.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар халқ депутатлари шаҳар ва посёлка советларининг ижроия қўмиталари ихтиёрида бўлади:

1) фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга эгалик қилиш учун, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан; биринчи гуруҳга кирувчи ўрмонлар билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларидан: саноат, транспорт, алоқа, мудофаа объектлари ва бошқа объектлар эгаллаб турган ерлардан; сув фонди ерларидан чегириб олиш — битта ер эгасига ва ердан фойдаланувчига 10 гектаргача миқдорда;

фуқароларга, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга заҳира ерлардан, ер участкасининг катта-кичиклигидан қатъи назар, эгалик қилиш, фойдаланиш учун ҳамда ижарага ер бериш;

2) ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиш сабаблари белгиланган тартибда тасдиқланганидан кейин ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш, халқ депутатлари қишлоқ, посёлка ва шаҳар советлари ижроия қўмиталарининг ваколат доирасига кирувчи ҳоллар бундан мустасно;

3) ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқларини, шунингдек ерларни ижарага олиш шартномаларини рўйхатга олиш;

жамоа хўжаликлари тузилган, ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда уларнинг ерга эгалик қилиши масалаларини ҳал этиш;

4) ер-кадастр ҳужжатларини юритишни ташкил этиш;

5) ер тузиш ишларини ташкил этиш;

6) фуқароларга жамоат боғдорчилиги ва узумчилиги учун, давлат, ширкат, жамоат корхоналарига, муассасаларига ва ташкилотларига, шунингдек диний ташкилотларга бериб қўйилган ер учун ер солиғи солиш ва ижара ҳақи ундириш.

7-модда. Халқ депутатлари вилоят советларининг ва уларнинг ижроия қўмиталарининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат этиш халқ депутатлари вилоят советларининг ихтиёрида бўлади.

Халқ депутатлари вилоят совети ўз ихтиёрига берилган ер муносабатларини тартибга солишга доир ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ва ҳал этишга ҳақлидир.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар халқ депутатлари вилоят советларининг ижроия қўмиталари ихтиёрида бўлади:

1) қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун, давлат ва жамоатнинг бошқа эҳтиёжлари учун жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа корхоналарга, муассасалар ва ташкилотларга эгалик қилиш учун, фойдаланиш учун ва ижарага ушбу модданинг 2-бандида баён этилган шартларга риоя қилган ҳолда ер бериш;

2) барча ерлардан каттакичиклигидан қатъи назар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳамда тарихий-маданий объектлар эгаллаб турган ерларни, шаҳар атрофи зоналари ва яшил зоналар ерларини, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонларини, биринчи гуруҳ ўрмон ерларини чегириб олиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси қарорлари билан белгиланадиган рўйхатга оид чегириб олинадиган ерлар бундан мустасно;

3) ер-кадастр ҳужжатларини юритишни ташкил этиш;

4) ер тузиш ишларини ташкил этиш.

8-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ихтиёрида бўлади:

1) Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонунларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

2) ер учун ҳақ тўлаш тартибини ҳамда унинг энг кўп ва оз миқдорларини, шунингдек ер учун ҳақ ундириш соҳасидаги имтиёзларни белгилаб қўйиш;

3) ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларнинг бажарилишини назорат этишни уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши республика ҳудудида ер муносабатларини тартибга солишга доир ҳар қандай масалани кўриб чиқиш ва ҳал этишга ҳақлидир.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ихтиёрида бўлади:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ерларни халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, ноҳия, шаҳар ва вилоят Советларининг ижроия қўмиталари билан, шунингдек ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда тасарруф этиш;

2) ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни қўриқлаш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан комплекс тарзда ер ресурсларини муҳофаза қилиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий советлари ижроия қўмиталари билан биргаликда республика дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни бажариш;

3) ер тузишни ҳамда Давлат ер кадастрини юритишни ташкил этиш.

4. 11-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — халқ депутатлари посёлка, район ва шаҳар советларининг ижроия қўмиталари беради;

муайян маъмурий ноҳиядаги жамоа хўжаликларига, давлат хўжаликларига ва бошқа давлат, ширкат, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига — халқ депутатлари ноҳия Советларининг ижроия қўмиталари, бошқа ноҳиялардан келган худди шу хилдаги ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларга эса халқ депутатлари вилоят Советларининг ижроия қўмиталари беради;

республика ҳамда чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ва ташкилотларга, шунингдек хорижий давлатларга, халқаро ташкилотларга, ажнабий юридик шахслар ва фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси беради».

5. 12-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарининг қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда амалга оширилади».

12-модданинг бешинчи қисми чиқариб ташлансин.

6. 13-модданинг биринчи қисми биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари тегишли Советининг ижроия қўмитаси ўз ваколатлари доирасидаги қарори билан қуйидаги ҳолларда барча ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўяди:»

7. 14-моддада:

биринчи қисмда «Халқ депутатлари Советларининг ўзларига бериб қўйилган ваколатларга мувофиқ чиқарган қарорига кўра» сўзлари «Халқ депутатлари Советлари ижроия қўмиталарининг ўзларига бериб қўйилган ваколатларга мувофиқ чиқарган қарорига кўра» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмда «тегишли халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорлари» сўзлари «халқ депутатлари тегишли маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарининг қарорлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муайян вилоят учун кадастр баҳоси даражасига мувофиқ белгиланадиган алоҳида қимматли маҳсулдор ерларнинг, шунингдек алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ва тарихий-маданий объектлар эгаллаб турган ерларнинг қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилишига алоҳида ҳолларда, фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарорига мувофиқ йўл қўйилади. Бундай ерларнинг турлари ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилади»;

бешинчи қисмда «халқ депутатлари маҳаллий Советлари» сўзлари «халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 15-модданинг иккинчи қисмида «тегишли суратда халқ депутатлари область Советлари, бошқа ерларда эса халқ депутатлари район ёки шаҳар Советлари узоғи билан бир йилга берадилар» сўзлари «тегишли суратда халқ депутатлари вилоят Советларнинг ижроия қўмиталари, бошқа ерларда эса халқ депутатлари район ёки шаҳар Советларининг ижроия қўмиталари узоғи билан бир йилга берадилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 16-моддада:

биринчи қисмда «халқ депутатлари советлари ерни ижарага берган ҳолларда» сўзлари «халқ депутатлари Советларининг ижроия қўмиталари ерни ижарага берган ҳолларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-бандининг тўртинчи қисми қуйидагича таҳрирда берилсин:

«қишлоқ хўжалик йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртларининг тажриба далалари, мол ҳайдаб бориладиган йўллар, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, дам олиш ва соғломлаштириш иншоотлари, гидрометеорология станциялари ва постлари эгалигидаги ҳамда фойдаланишидаги ерлар — бу ташкилотларга ёрдамчи қишлоқ хўжалик ишлари олиб бориш учун бериб қўйилган ерлардан ташқари»;

10. 18-моддада:

3-бандининг биринчи қисмида «ер берган халқ депутатлари Советининг розилиги билан» сўзлари «Ер берган халқ депутатлари Совети ижроия қўмитасининг розилиги билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмда «давлат ҳакамлиги идоралари» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг ҳакамлик судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 19-модданинг биринчи қисмида «уларнинг хоҳишига кўра халқ депутатлари район ёки шаҳар Совети томонидан аввалги ери билан айнан бир хил бўлган ер участкаси ажратилгач» сўзлари «уларнинг хоҳишига кўра халқ депутатлари район ёки шаҳар Совети ижроия қўмитаси томонидан аввалги ери билан айнан бир хил бўлган ер участкаси ажратилгач» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 21-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин: «Ўзларига қарашли айрим аҳоли пунктлари шаҳар ҳудуди таркибига қўшиб юборилган жамоа хўжаликларида ва давлат хўжаликларида узлуксиз беш йилдан ортиқ ишлаган ва ҳамон ишлаб келаётган колхозчиларнинг, давлат хўжаликлари ишчи ва хизматчиларининг, шунингдек ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш ҳуқуқи билан уларнинг иш жойидан ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун шу хўжаликда белгилаб қўйилган миқдорда томорқа ери берилади (бинолар ва ҳовлилар эгаллаган майдон ҳам шу жумлага киради)»

Моддининг иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисм деб ҳисоблансин.

13. 25-модданинг учинчи қисмида «улардаги сув ресурслари ва лимитларининг мавжудлигини эътиборга олиб халқ депутатлари область Советлари» сўзлари «улардаги сув ресурслари ва лимитларининг мавжудлигини эътиборга олиб халқ депутатлари вилоят советларининг ижроия қўмиталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 28-моддада:

биринчи қисмда «халқ депутатлари тегишли вилоят советларининг қарорига мувофиқ» сўзлари «халқ депутатлари тегишли вилоят советларининг ижроия қўмиталари қарорларига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «халқ депутатлари район ва шаҳар советларининг қарорига мувофиқ» деган сўзлар «халқ депутатлари район ва шаҳар советлари ижроия қўмиталарининг қарорига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 47-модданинг учинчи қисмида «Халқ депутатлари район советлари» сўзлари «Халқ депутатлари район советларининг ижроия қўмиталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 50-модданинг учинчи қисмида «давлат ҳакамлиги идоралари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 52-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари вилоят советлари ижроия қўмиталарининг қарорига мувофиқ бу маблағлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш йўлида ҳам фойдаланиш мумкин».

25. 55-модданинг иккинчи хатбошидаги «учун» сўзидан кейинги «иттифоқ» сўзи чиқариб ташлансин.

26. 57-моддада «СССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27. 58-модданинг:

биринчи қисми «халқ депутатлари советларини» деган сўзлардан сўнг «ва уларнинг ижроия қўмиталарини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисмидаги «мамлакат» деган сўз «республика» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмда «СССР Министрлар Совети» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

28. 60-модданинг:

биринчи қисми «халқ депутатлари советларининг» деган сўзлардан сўнг «ва уларнинг ижроия қўмиталарининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ер тузиш халқ депутатлари советларининг қарорига» деган сўзлар «Ер тузиш халқ депутатлари советлари ижроия қўмиталарининг қарорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29. 61-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳўжаликлараро ер тузиш ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳалари халқ депутатлари тегишли вилоят советлари ижроия қўмиталари томонидан тасдиқланади.

Ҳўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари халқ депутатлари район советларининг ижроия қўмиталари томонидан тасдиқланади».

30. 62-модданинг:

биринчи қисмидаги «халқ депутатлари советлари», «давлат ҳакамлиги идоралари» деган сўзлар тегишли йўсинда «халқ депутатлари советларининг ижроия қўмиталари», «Ўзбекистон Республикасининг ҳакамлик судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «давлат ҳакамлиги идоралари» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг ҳакамлик судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «халқ депутатлари тегишли қишлоқ (овул) ва посёлка советлари томонидан» деган сўзлар «халқ депутатлари тегишли қишлоқ ва посёлка советлари ижроия қўмиталари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларидаги «халқ депутатлари шаҳар советлари», «халқ депутатлари район Советлари», «халқ депутатлари область Советлари» деган сўзлар тегишли йўсинда «халқ депутатлари шаҳар Советларининг ижроия қўмиталари», «халқ депутатлари район Советларининг ижроия қўмиталари», «халқ депутатлари вилоят советларининг ижроия қўмиталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмдаги «иттифоқдош» сўзи «суверен» сўзи билан алмаштирилсин. «Башарти, комиссия ўзаро бир қарорга келолмаса, мазкур масалалалар хусусидаги низолар ССР Иттифоқи қонунларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозим» деган гап чиқариб ташлансин.

31. 63-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари маҳаллий совети ижроия қўмитасининг ер хусусидаги низо юзасидан чиқарган қарорига томонларнинг бири норози бўлган тақдирда қарор устидан томонларнинг бири бошқа ширкат ёҳуд жамоат корхонаси, муассасаси ва ташкилоти, қўшма корхоналар, бошқа ажнабий юридик ва жисмоний шахслар бўлганида судга, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўртасида ер хусусида низолар чиққанида эса Ўзбекистон Республикасининг ҳакамлик судларига ҳам шикоят қилиниши мумкин».

32. 64-модданинг:

бешинчи қисмидаги «халқ депутатлари тегишли қишлоқ (овул), посёлка, район ёки шаҳар советининг» деган сўзлар «халқ депутатлари тегишли қишлоқ, посёлка, район ёки шаҳар Совети ижроия қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «халқ депутатлари советлари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ олиб қўйилиши» деган сўзлар «халқ депутатлари советлари ижроия қўмиталари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ олиб қўйилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33. 65-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Башарти, Ўзбекистон Республикасининг бошқа суверен давлатлар билан шартномаларида «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади».

34. 1, 2, 3, 9 — 18, 20 — 25, 28, 30—34, 40—48, 50 — 56, 60 — 62 ва 64-моддалардаги «Қорақалпоғистон АССР Олий Совети» «Қорақалпоғистон АССР Министирлар Совети», «ва Қорақалпоғистон АССР», «Қорақалпоғистон Олий Советининг қарорлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

1, 7, 9, 10, 12, 18, 24, 25, 41 — 48, 50, 54 —56 ва 60-моддалардаги «ССР Иттифоқи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 20 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН: МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Президент Ислом Каримовнинг Фармони билан, деб хабар қилди. «Озодлик» радиоси, собиқ ЎзТАГ агентлиги эндиликда ЎзА — «Ўзбекистон Агентлиги» деб аталади. Шу тариқа Ўзбекистоннинг миллий ахборот агентлиги тузилди.

Бу Ўзбекистоннинг ахборот соҳасидаги мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Маълумки, Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил декабрь ойида Туркияга ташрифи чоғида Туркиянинг ярим расмий Анадўлу ахборот агентлиги билан собиқ ЎзТАГ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тузилган эди. Эндиликда Ўзбекистоннинг миллий агентлиги — ЎзА жаҳондаги бошқа ахборот агентликлари — «Ассошиэйтед пресс, Рейтер, Франс пресс каби агентликлар билан ҳамкорлик тўғрисида ана шундай битимлар тузиши, Ўзбекистон тўғрисидаги ахборотларни мустақил равишда бутун дунёга тарқатиши мумкин. Олдин бу иш билан РАТА —ТАСС Россия агентлиги ва Интерфакс шуғулланар эди.

Иккинчи томондан ЎзА турли мамлакатларнинг агентликлари ёрдамида дунёнинг ҳамма жойидан ахборот олиши мумкин. ЎзА тузилиши эндиликда Ўзбекистон жамоатчилиги, шунингдек жаҳон жамоатчилиги мустақил, ҳолис ва эркин ахборот олишига ишончни кучайтирди.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚАССОБЛАР... ХАФА

● Андижон шаҳридаги Мойбоғча кўчасида яшовчи аҳоли фахрийлар Х. Аҳмедов ва М. Абдуқаҳҳоровнинг ташаббуси билан пул тўплаб, бозордан арзон нархда семиз новвос сотиб олдилар.

Гўшт бу ерда яшовчиларнинг ҳаммасига етди. Гўшт бозордагига нисбатан анча арзонга тушди, ҳар бир килограммини 35 сўмдан сотдилар.

Мойбоғча кўчасига кирадиган «Дўстлик» маҳалла комитети бошқа кўчаларнинг аҳолисига ҳам фахрийлар тажрибасидан фойдаланишни тавсия қилди.

ЯНГИ УЙЛАР... ҲАЛИ ҲАМ ЕТАРЛИ ЭМАС

●Урганч шаҳридаги 150 оила янги квартираларга кўчиб кирди.

Улар бу кунларни орзиқиб кутган эдилар. Маҳаллий уйсозлик комбинати шаҳарнинг турли чеккаларида бир вақтнинг ўзида учта кўп қаватли уйни фойдаланишга топширди. Уларнинг иккитаси шу заҳоти телефонлаштирилди.

Урганч уйсозлик комбинати ўз қувватини кўпайтирмоқда. Корхона жамоаси яна тўртта юқори қаватли уйнинг пойдеворини қуйиб бўлди. Бу уйларга йил охиригача оилалар кўчиб киришади. Ўтган йили 2 мингдан кўпроқ оила янги квартиралар олган эди, бу йил эса ана шу кўрсаткич икки баравар ортади.

Лекин бу ҳам етарли эмас. Урганч шаҳрида уй олиш учун мингдан ортиқ оила навбат кутиб турибди.

КИЧИК КОРХОНАЛАР ШАРОФАТИ

● Давлат нефть маҳсулотлари комитетининг Сирдарё ишлаб чиқариш бирлашмасида тақчил маҳсулотлар сотиш ҳажми камайганига қарамай, унинг молиявий аҳволи анча яхшиланди. Бунга кичик корхоналар сабаб бўлди.

Бирлашмада учта кичик корхона очилган. Улар бинокорлик ва лак-бўёқ материаллари ишлаб чиқаришмоқда, уй-жойларни ремонт қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланишмоқда.

Бирлашмада меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш йўлига қатъий амал қилишмоқда. Буларнинг ҳаммаси оғир давримизда одамларнинг турмушини бир оз бўлса-да енгиллатиш учун қилинаяпти. Ёрдамчи хўжаликда 50 бошга яқин қорамол боқилмоқда. Асаларичилик ҳам катта наф келтирди. Бу ерда ўтган йилнинг ўзида икки тоннадан кўпроқ асал сотилди.

ВЕНГРИЯГА ЖЎНАТИЛДИ

● Қорақалпоғистондан етти куб юк сиғадиган контейнерларнинг дастлабки партияси Венгрияга жўнатилди.

Улар қурилишдан чиққан ахлатларни йиғишга мўлжалланган.

Контейнерларни Тахиатош бинокорлик конструкциялари ва қисмлари давлат-кооператив корхонаси ҳузурида ишлаётган Совет — Америка — Австрия «Корком» корхонасининг бўлими тайёрлади. Тахиатошликлар маҳсулотига шартнома асосида сўм билан ва эркин алмаштирладиган валюта билан ҳақ тўланади.

(ЎзА).

• ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ АСАРЛАРИ

Ёзувчи Оқилжон Ҳусан ўзининг янги романини шундай деб атади. Асарда Мирзачўл ва Жиззах чўлларининг ўзлаштирилиш жараёнида эзгу ниятли кишилар билан худбин ва бадниятли кимсалар ўртасидаги кураш қаламга олинган. Асарнинг ўзига хос хусуснятларидан бири шундаки, унинг ҳар бир боби алоҳида ҳикоя ҳолида ўқилади ва ҳикоялар ўз навбатида романнинг умумий тўқимасига бирикиб кетади. Роман Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида муҳокамадан ўтиб айни пайтда Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмага тайёрланмоқда. Қуйида ана шу асардан парча ўқийсиз.

• *Оқилжон Ҳусанов*

ГЎРЎҒЛИ ҚИССАСИ

БИР ҲАФТАДИРКИ, чўл замини оппоқ қор остида ором олаётир. Бутун борлиқ ўзини гўё қиш чилласининг инон-ихтиёрига топширган — теварак-атроф сукунат ичида. Пастқамгина бир қаватли бино — хўжалик бухгалтерияси ҳам, унинг ёнидан бошланиб ҳув наригача чўзилган истироҳат боғи ҳам, боғнинг адоғида қад кўтарган меҳмонхона ҳам қор остида маъюс мудрайди. Аҳён-аҳёнда арча ва қайрағоч шохларидан лахтак-лахтак қор тушади: ўша заҳотиёқ қор ҳам, унинг товуши ҳам пастдаги оқ чойшабга сингиб кетади, яна ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолади.

Истироҳат боғининг нариги ёни бетон плиталардан ишланган ариққа туташ: ариқнинг у ёғидаги баланд марзанинг ортида эса чўлнинг қон томирларидан бири — катта серқатнов йўл бор. Йўлдан ҳар замонда ўтаётган машиналарнинг қораси марзанинг пастқамроқ жойларидан элас-элас кўриниб қолади.

«Виллис» машинаси катта кўчадан бурилиб, ариқ кўпригидан ўтди-ю истироҳат боғининг бошланишидаги кичик йўлда тўхтади. Кабинадан бир киши тушди-да, машинанинг олди тарафини ярим айланиб ўтиб, ҳайдовчига нималарнидир тайинлади. Машина орти билан юриб, яна кўприкдан нариги тарафга ўтди, катта йўлда ўнгланиб, аллақаёққа кетди.

Йўл бошида машинадан тушиб қолган одам — қўнғиртоб драп пальто кийган, бошига ёнут телпак бостириб олган, буғдойранг юзли, қорақош киши кўзлари қамашгандек бир лаҳза туриб қолди. Сўнгра усти қиров боғлаб ётган қорни ғарч-ғурч босганича юриб келди-да, истироҳат боғи билан бухгалтерия биноси ўрталиғидаги йўлакка бурилди. Юришини секинлатиб, ён-атрофига ўгирилиб қаради, ердаги «оппоқ чойшаб»га, қордан чиқиб турган якка-ярим буталарга, шохлари қордан эгилиб қолган дарахтларга, пастқамгина бухгалтерия биносига зеҳн ва меҳр билан тикилди. Беихтиёр қадами сустлашиб, тўхтаб қолди...

Бу одам бир маҳаллар худди шу совхозни ташкил қилган, унинг биринчи директори бўлган Нурмурод Отамуродов эди. Ана шу ерда у лойиҳадаги хўжаликка асос солди, икки йилдан кўпроқ ишлади. Мана бу пасқам бинони совхозда қурилган иморатларнинг бисмиллоси деса бўлади — бир неча йилгача идора вазифасини ўтаб турди. Қўр тўкиб турган ушбу истироҳат боғи ҳам Отамуродовнинг ташаббуси билан барпо этилганди. Кечагидек эсида, кўчатлар ҳашар йўли билан деярли бир кунда экиб бўлинганди. Мана энди эрта кўкламдан яшилликка бурканадиган, бемалол сайр этса бўладиган расмана истироҳатгоҳ...

Нурмурод Отамуродов бу ердан кетганидан сўнг бошқа вазифаларда ишлади. Кейинчалик бу атрофлар, жумладан, мана шу совхоз ҳам янгидан очилган район ихтиёрига ўтдию, Отамуродов «бошқа районнинг одами»га айланди. Камдан-кам пайтлардагина бу тарафларга йўли тушарди. Онда-сонда шу йўллардан ўтиб қолгудек бўлса ҳам, ёнидаги шерикларидан истиҳола қилибми, ёки бошқа андиша биланми, бу совхознинг зироатгоҳига атайин нигоҳ ҳам ташламасди, нима ишлар бўлаётгани билан ҳам қизиқмасди. Гўё қараса, эътибор берса, ўзининг бир пайтлардаги хизматларини бошқаларга писанда қилаётгандек туюларди.

Отамуродовдан сўнг совхозда уч киши директор бўлиб ишлади. Шуниси қизиқки, ўшалардан бирортаси қанақадир масалада Отамуродовдан маслаҳат сўрамади. (Лоақал янги совхозни обод қилиш учун режаларингиз қанақа эди, деб сўраш мумкин эди-ку). Ваҳоланки, уччала директор ҳам ўз вақтида ҳар хил баҳоналар туфайли районда, вилоятда, гоҳо йўлу чўлда Отамуродов билан учрашиб туришарди. Самимий туйғуларга йўғрилган инсоний муносабатлар ўрнига, аксинча «Сен эпломаган ишни мен бемалол бажарямман», қабилидаги муомалаю ишораларга дуч келарди у. Бу ҳам етмагандек, Отамуродовдан кейин келган директор унинг кадрларини қувғин қилди, учинчи директор ҳам аввалгисининг изидан борди ва ҳоказо... Мана, ҳаёт тақозосини кўрингки, от айланиб қозиғини топди, дегандек, Нурмурод Отамуродов бир маҳаллар ўзи ташкил этган хўжаликка иккинчи марта раҳбар бўлиб тайинланди. Райком секретари куни-кеча совхознинг беш-ўн кишилик идора ходимларини, айрим бошқарувчиларни, бригадирларни йиғиб, янги директорни таништириб кетди. Бугун — шанба куни Нурмурод Отамуродовнинг бу совхоздаги иккинчи иш куни. Унинг ўз меҳнати сингган қадрдон жойлардаги ҳозирги ҳолатини тушунса бўлади. Атрофга меҳр ва иштиёқ билан, ички бир ҳаяжон билан тикилишининг, айрим нарсалардан кўз узолмаслигининг боиси ҳам шунда. Соғинч, ҳаяжону ҳайрат, орзу армон билан тикилади у атрофга... Ҳаёт деб аталмиш ажиб бир маънонинг ранг-баранг маънавий безаклари эмасмикин шулар? Отамуродов айнан шундай интиқ туйғуларнинг зўри билан қадами сустлашиб, тўхтаб қолмадимикан?.. Ана шу туйғулар унинг янги жойидаги ташвишларига жилла бўлса ҳам сурур қўшмаётганмикан?

ДИРЕКТОР бухгалтерия биносининг қор босиб ётган томига тикилиб қолди. Қопқоқли мўриларнинг биридан билинар-билинмас тутун чиқиб туради. «Тутун-ку аслида яхши нарса эмас, турган-битгани заҳар-заққум, — дея ўйлади Отамуродов ажабсиниб. — Лекин ҳозир манави тутун ичкарида одам борлигини, тириклик борлигини билдириб осмонга ўрлаяпти».

Шу пайт аллақандай олдинми-кейин учиб келган бир жуфт ҳакка том ўртасига қўниб, шақ-шақлашга тушди. Шу аснода улар қор кечганича тутун чиқиб турган мўри атрофидан бир айланишди-да, қорга ағанаб чўмила бошлашди. Чўмилаётгани қанотларини ёзиб, чанқоқлик билан қорга бағрини бериб ётар, бошини қорга тиқиб, олдинга типирчилар, чалқанча тушиб ётганича қанотларини парпиратар эди. Отамуродов эса уларнинг хатти-ҳаракатларини болаларча қизиқувчанлик билан кузатарди. Бу орада иккинчи ҳакка ботбот «шақ-шақ» деганича думини қимирлатиб нари-бери юриб туради, яъни қоровуллик вазифасини ўрнига қўйиб бажарарди.

Отамуродовнинг беихтиёр томоқ қириб қўйгани сабаб бўлдими ёки тўсатдан пайдо бўлиб қолган учинчи ҳакканинг шақ-шақлайвериши туфайлими, ҳаккалар олдинмакетин учиб кетишди. Ўша заҳоти бошқа тарафдан ҳалпиллаб учиб келган ёлғиз олақарға истироҳат боғидан юқсак арчанинг хиёл эгилиб турган ўрта шохига қўнди. Унинг панжалари остидан сирғалган қор учқунлари пастки шохларида илашиб қотиб қолган қорлардан анча-мунчасини шатур-шутур ерга туширди. Олақарға ўз қилғилигидан ҳайрон бўлгандек тумшуғини ерга эгиб, пастга қараб турди. Сўнгра нариги тарафга ўгирилиб олдида, бошини силкитганича ғоят маъюс овозда бир неча бор қағиллади. Ғўё бу билан у: «Шу ҳам қор бўлдими, шу ҳам аёз бўлдими? Эҳ, чинакам аёз, тезроқ кела қолмайсанми, ахир?» деяётгандек эди.

«Хайриятки табиатнинг изми мана шу қарғалару қарғасимонларнинг ихтиёрида эмас. Бўлмаса бошимиз қиндан чиқмас эди», деган гапни кўнглидан кечирди Отамуродов. У атайин томоғини бир қириб қўйди-да, оҳиста йўлга тушди.

Олақарға учиб кетди. Отамуродов бухгалтерия биносининг йўлагига бурилар экан, хиёл нарироқда, ўнг тарафдан бир гала чумчуқ гурр этиб учдию, бино томига қўнди. Деярли барча чумчуқнинг оғзида хасми-чўпми, нимадир бор эди. Шерикларидан ажралиб пастда қолган битта чумчуқ қордан чиқиб турган аллақандай ингичка бутанинг пўстини тумшуқчаси билан тирмаланиб синдирарди. Отамуродовнинг тўхтаганидан хавотирланди шекилли, якка чумчуқ ҳам пириллаб юқорига ўрлади. «Жонивор чумчуқлар совқотаётганга ўхшайди-да, уясини иссиқроқ қилишмоқчи, — деган гап ўтди Отамуродовнинг миясидан. — Уясига нима ташиётган экан булар. — У калта қирқилиб, устига чим бостирилган атиргуллар қатори устидан ҳатлаб ўтиб, ҳозиргина чумчуқ тарк этган бутачани ушлади, озгина синдириб, бармоқлари орасида уқалаб кўрди, кейин бурнига олиб борди. — Ие, бу райҳон экан-ку. Оббо шоввозлар-ей, нима фойда-нима зарарлилигини билади-я чумчуқлар ҳам. Демак, уяларидаги пашшаю қурт-қумурсқа йўламаслиги учун райҳон пўстлоғи керак бўларкан. Ҳа, тавба, чумчуқнинг райҳонга иштиёқмандлигини шунча ёшга кириб энди билиб турибман-а. Ҳолбуки, ўзим биолог одамман!.. Демак, чумчуқлар савқи табиий туйғу билан бўлса ҳам райҳоннинг фойдасини билишар экан-да».

Отамуродов йўлакка қайтди, бармоқлари орасидаги райҳон заррасини ҳидлаганича бухгалтерия биноси эшигини очиб, ичкарига кирди. Йўлак илиққина эдию, аммо чанг ва заҳкаш ғубор ҳиди димоққа урилди. Янги директор икки тарафдаги эшиклар тутқичини бирма-бир тортиб бораверди. Айрим эшиклар очиқ, айримлари берк эди, очиқ хоналарда ҳам одам зоти кўринмасди, столларнинг усти бўм-бўш, курсилар эса, ҳар-ер ҳар ерда бетартиб турарди.

Директор чап тарафдаги сўнгги эшикни тортиб кўрди — очилмади, ўнг тарафдаги эшик тутқичини беихтиёр қаттиқроқ силтади шекилли, забт билан очилган таваққа қирраси пешонасига тегишига бир баҳя қолди. Хайрият, сўнгги хонада одам бор экан. Директор ичкарига кирди-да:

— Ассалому алайкум.

Хонанинг тўрида, ўртага қўйилган стол ортида чўт қоқиб, қалам билан қоғозларга рақам чизиб ўтирган киши ўрнидан туриб, Отамуродовнинг саломига алик олдию, сўрашиш учун унинг истиқболига чиқмади. Отамуродов яна икки-уч одим босиб яқинлаб борди-да, бир зум қараб қолди. Қип-қизил, думалоқ юзли, ўртадан пастроқ бўйли, сочига ҳам, ихчамгина мўйлабига ҳам оқ оралаган, тахминан эллик ёшлардаги қиррабурун, қўйқўз одам кўзойнак остидан унга тикилиб турарди. Отамуродов уни кечаги таништириш маросимида кўргандек эдию, кимлигини суриштирмаганди — ўзини таништиришга келган раҳбарлар билан қайтиб кетганди. Янги директор ихтиёрсиз равишда яна икки қадам босиб, сўрашиш учун стол устидан қўлини чўзди.

— Сиз кимсиз? — деб сўради у.

— Шу совхознинг ходимиман, — деб жавоб берди стол ортидаги одам қўл узатиб сўрашар экан.

— Яъни, вазифангиз?

— Бухгалтер.

— Бош бухгалтерми?

— Ҳа, шундай.

— Мени таниянсизми?

— Таниянман, янги тайинланган директоримизсиз!

Отамуродов рўпарасидаги одамга қош-кўзларини чимириб тикилди. «Нега бўлмаса директорга муносиб муомала қилмайсиз?» дейишига сал қолди. Хонанинг иссиғиданми, ўртадаги ҳижолатликданми, Отамуродов пальтосининг тугмаларини ечди, бошидаги телпагини олиб, ёнидаги стол устига қўйди, қўли етган курсилардан бирини олиб ўтирди.

— Сиз ҳам ўтиринг, — деди бош бухгалтерга. Бухгалтер ўз ўрнига чўкди, директорга тикилди. Танимасни сийламас, қабилидаги ноқулайлик давом этарди. — Исм-фамилиянгизни билсак бўладими? — деб сўради директор.

— Исмим Ҳамид, фамилиям Абдуллаев, — деди бош бухгалтер осойишта оҳангда. Унинг овози ҳам ғоят майин эди.

— Қачондан бери ишлаяпсиз бу ерда?

— Олти ойдан бери.

«Бор-йўғи олти ой бўлибдию, бунинг керилишини қаранг-а!».

— Олти ойдан бери бош бухгалтермисиз?

— Ҳа, шундай.

«Кимнинг одамисиз ўзи?», Суянчиғингиз ким?» Отамуродов шундай деб сўрамоқчи бўлдию, аммо яна тилини тийди.

— Бошқа ходимларингиз қаёқда?

Ҳамид Абдуллаев уф тортгандек ичини бўшатдида:

— Ҳе, улар... ҳар қайсиси ҳар ерда, — деди.

— Яъни, масалан?

— Масалан, бири касалман, дейди, бири дам олишда... яна бири кетиб қолган. Ҳар хил-да.

— Кетиб қолган, деганингиз нимаси? Қаерга кетади?

— Ҳалиги, бир қўшиқда бор-ку, оёқ етганча кетгайман, дейди. Худди ўшанга ўхшаган... Қаёққа кетарди дейсиз, аввалги директорга эргашиб... фақат бухгалтерлар эмас, бошқа ходимлардан ҳам кетиб қолганлари кўп. Хабарингиз йўқми, иккита бўлим бутунлай бўшаб қолган.

ОТАМУРОДОВ нигоҳини ерга қадаганича тўлиқиб нафас олди: хўжалик учун ғоят қийин бир пайтда совхозга келганлигини айни пайтда яна бир карра ҳис этди. Бироқ унинг рўпарасида ўтирган бухгалтернинг қанақа одамлиги ҳали ҳам уни танг қолдираётган эди. Шу туфайли киноя оҳангда:

— Сиз ҳам кетмадингизми ўшалар билан? — деб сўради у Ҳамид Абдуллаевга синовчан назар билан тикилиб.

— Ёқтирмасангиз бемалол айтаверинг. Менинг ўрнимга тайёр одамингиз борми? — деди бухгалтер.

Отамуродовнинг дами ичига тушиб кетди: ахир бу ҳам жўнаворса, совхозда қолганларнинг нисбати яна камаяди-ку! Бутун бошли бухгалтерияни эплаб турган одам ҳам жуфтакни ростласаю, ҳисоб-китобни олиб борадиган ҳеч ким қолмаса, калаванинг учини топиш қийин бўлиб кетмайдими?

— Билишимча, сиз мени синамоқчимисиз, тўғрими? — ўртага тушган қисқагина жимликни бузди бош бухгалтер. — Очиғини айтиб қўя қолай, мен ҳам сизни синамоқчиман.

— Менинг нимамни синайсиз? — деди беихтиёр янги директор.

— Сиз ҳам аввалги директорга ўхшайсизми, йўқми — шуни синамоқчиман.

Отамуродов нигоҳини ердан кўтариб бош бухгалтерга қаради. Ҳамид Абдуллаев эса киприк қоқмасдан унга тикилиб турарди.

— Аввалги директорлар сизнингча қанақа одамлар эди, билсак бўладими?

— Албатта бўлади. Лекин... менинг гапим ҳам битта одамнинг гапида, донишмандликка даъвойим йўқ. Оддий бир ходимман ниҳояти ҳисобчи одамман.

— Хўш, оддий бир ходим сифатида сиз ўша директорларга қандай баҳо берасиз?

— Айтаверайми?

— Айтинг.

— Сизга қаттиқ ботмайдими?

— Йўқ, гапни бошлаб қўйдингиз, охиригача айтаверинг энди.

Ҳамид Абдуллаев мулоҳаза засини жамлаб олмоқчи бўлдими, бир зум сукутга чўмди, сўнгра:

— Мен уларни пешонасидан нарини кўролмайдиган одамлар дейман, — деб жавоб берди ниҳоят.

— Наҳотки? — деди Отамуродов ҳушёр тортиб. — Менимча, жуда қаттиқ кетдингиз.

Айтдим-ку, шахсий фикрим деб. Лекин керак бўлса сўзимни исботлаб бераман...

Бино йўлагида оёқ товушлари эшитилди — кимдир оҳиста, чамаси, шошмасдан хоналарга бирма-бир кўз ташлаб келарди. Янги директор ҳам, бош бухгалтер ҳам оёқ шарпаси эгасининг сўнгги эшиккача етиб келишини кутди. Бир маҳал янгигина қора фуфайка кийган, кирза этикли, бошидаги қулоқчинининг бир қулоғи осилиб турган барваста қомат, юзи кенггина йигит ичкарига қадам босди-да, Ҳамид Абдуллаевга салом бергандек бош қимирлатди. Сўнгра Отамуродовга қараб:

— Айтганларингиз бўлди, Нурмурод ака. Запасгаям олволдим, — деди.

— Жуда яхши, Ўнгбой, — деди директор. — Бирор минут кутиб тургин, чиқаман.

Шофёр қайтиб кетди.

— Бирор ёққа отланиб турганга ўхшайсиз, директор. Сиз, яхшиси, йўлдан қолманг, — деди Ҳамид Абдуллаев.

— Йўлдан-ку қолмасман-а, — деди Отамуродов ўйланқираб, — аммо сиз билан бафуржароқ гаплашишимиз керак эди. Майли, мавридини топармиз. Шундай бўлса ҳам ҳозир бир нарсани аниқлаб кетишим керак.

— Бемалол, ўртоқ директор, — деди Ҳамид Абдуллаев, — гектар дейсизми, центнер дейсизми, бирор бўлим ёки бригада бўйичами — нима десангиз, ҳаммасини топиб, айтиб бераман.

— Рақамни-ку қўяверинг-а, — янги директор хиёл тараддуланди, — ўзингиз ҳақингизда...

— Ўзим ҳақимда? Нима дейишим мумкин: мана рўпарангизда ўтирган одамман-да.

Отамуродов бош бухгалтерга яна бир бор синовчан нигоҳ ташлади. Ҳамид Абдуллаев ҳам унга тикилиб ўтирарди. Гарчи ихчамгина мўйлаби лабларини беркитиб турган бўлса-да, икки юзидаги кулгичидан, кўзларининг икки ёнидаги ажинлардан унинг хиёл жилмайиб турганини пайқаш мумкин эди.

— Қув одамга ўхшайсиз-а, Абдуллаев?

— Бўлса бордир, лекин бировга ёмонлиғимиз йўқ. — Бош бухгалтер энди самимийлик билан кулиб, тишининг оқини кўрсатди.

— Бош бухгалтер сифатида менга — янги директорга ёрдам берасизми?

— Агар сиз ишонсангиз, — Ҳамид Абдуллаев иккала қўлини ёйиб, самимиятини билдирган бўлди. — Кучим етганича ҳаракат қиламан. Сиз, билишимча, узоқроққа отланиб турибсиз. Совхоз учун одам излаб кетаётган бўлишингиз ҳам мумкин. Шундайми?

— Гапингизда жон бор.

— Жуда тўғри қиласиз, ўртоқ директор Ҳозирдан одам йиғиш керак. Жуда кўп одам кетиб қолган. Уларнинг ўрнини тезроқ тўлдирмасак, қийин бўлади.

Отамуродов ўрнидан турди, бош бухгалтер ҳам у билан баробар ўрнидан қўзғалди.

— Бўпти, ўртоқ Абдуллаев, — деди Отамуродов хайрлашиш учун қўл чўзар экан, — суҳбатимизни кейин давом эттирамиз.

• СПОРТ

ДАСТЛАБКИ ЧЕМПИОНЛАР

● ФРАНЦИЯнинг Альбервиль шаҳрида қишки Олимпиада мусобақалари бошланди. Спортчилар энг йирик анжуманининг очилиши ўзига хос байрамга айланди. Ойнаи жаҳоннинг хосияти туфайли миллионлаб томошабинлар турли мамлакатларда туриб, ранг-баранг воқеаларга бой спорт байрамини томоша қилдилар.

Мусобақа ташкилотчилари қишки Олимпиаданинг очилишига ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўришгани кўзга ташланди. Анъанага кўра мусобақа иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг улкан муз майдонига кириб келишлари ҳам бу гал бошқачароқ ташкил этилди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги терма жамоасининг стадион бўйлаб ўтиши ҳам хайрхоҳлик ила қабул қилинди. Спорт шарҳловчилари Литва, Латвия, Эстония республикаларини алоҳида жамоа сифатида мусобақада иштирок этаётганлигини таъкидлаб туришди.

Олимпиада байроғини кўтарилиши, машъаласини аланга олдирилиши ҳам қизиқарли бўлди. Қадимий Олимп — Афинадан сал наридаги қишлоқда ўт олдириб, Францияга келтирилган машъала билан Олимпида олови ёндирилди. Энди у бир неча кун мобайнида қизғин ва муросасиз баҳслар рамзи сифатида ловуллаб туради. Туташ беш халқа шакли ифода этилган Олимпиада байроғи ҳам минглаб йигит-қизларнинг маҳорат кўрсатиб, имкониятларини юзага чиқишларига руҳ бағишлаб туради.

Олимпиаданинг тантанали очилишидан кейин дастлабки мусобақалар ўтказилди. Хоккей жамоаларининг учрашувлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Франция — Канада хоккейчилари ўйинида 2:3 ҳисоби қайд этилган бўлса, Чехословакия жамоаси Норвегия хоккейчиларини 10:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. МДҲ терма жамоаси ҳам биринчи ўйинидаёқ муваффақият қозонди. Хоккейчиларимиз Швейцария жамоасидан 8:1 ҳисобида устун келишди. Дастлабки чемпионлар ҳам маълум бўлди. Жумладан 15 километрга чанғида мусобақалашиш МДҲ вакилларига омад келтирди. Санкт-Петербурглик Любовь Егорова мазкур масофани 42 минут 20,8 секундда босиб ўтиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Унинг ҳамжамоаси, таниқли чанғичи Раиса Сметанина бу сафар тўртинчи ўрин билан қаноатланди.

Бугун спортнинг биатлон, тоғ чанғиси, чана, фигурали учиш ва хоккей бўйича мусобақалар давом эттирилади.

Қашқадарё вилояти М. Тошмуҳамедов номидаги ўзбек давлат музикали драма театри қошида «Кулгу оқшоми» янги дастаси ташкил этилди. Унинг иштирокчилари асосан ёш ижодкорлардир. Дастага Панжи Лутфиев раҳбарлик қилмоқда.

— Халқимиз бетакрор кулгисеварлиги, ҳажвга ўчлиги билан ҳам ажралиб туради,— дейди даста қатнашчиси А. Жўраев. Шунинг учун ҳам келгусида дастуримиздан ўрин оладиган асарлар иложи борича халқ ижрочилик анъаналарига таянилган ҳолда яратилиши учун, айни вақтда бевосита халқ ижоди намуналаридан фойдаланиш учун ҳаракат қиламиз.

СУРАТДА: «Кулгу оқшоми» дастаси саҳнада ўз асарини намойиш этяпти.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА). олган сурат.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БУТУНИТТИФОҚ ҒУЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

лабораториялар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим (фан номзоди); ғўза интродукцияси ва коллекцияси;

кичик илмий ходим (даражасиз); сунъий иқлим.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 702147, Тошкент вилояти, Қибрай районы, «Салор» алоқа бўлими, ВНИИССХ.

●

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси

Г. С. ЗАЙЦЕВ НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ҒУЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

1992 йил учун

«СЕЛЕКЦИЯ ВА УРУҒЧИЛИК» ИХТИСОСИ БЎЙИЧА

кундузги ва сиртқи аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 702147, Тошкент вилояти, Қибрай районы, «Салор» алоқа бўлими.

●

ФАИЗ ЛТД ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚОНУНИЙ

Эртаклардаги сингари тез, қулай ва сифат кафолати билан,

Технологияси ва фойдаланиладиган материаллари «ТРОДАТ» Австрия фирмасиники.

ФАИЗ ЛТД ■ ФИРМАСИ — БУ:

ҳар қандай график тасвирли, оддўли кўринишли муҳрлар, штамплар, оттисклар, факсимиле, серҳашам зарҳалланган ташрифномалар ва ҳоказолар демакдир.

Мулоқот телефони: СОАТ 9 ДАН 17 ГАЧА 77-56-17.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент кимё-технология олий таълимгоҳи ректорати ва жамоатчилиги шу таълимгоҳ доценти, «Электротехника» кафедраси мудири Н. А. Халиловга онаси

Кимёхон ТУХТАСИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр доирилфунунининг ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти мева-узумчилик кафедрасининг мудири, доцент Ҳ. Б. Шоумаровга онаси

Қумри ИСҲОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат нефть назорати (Ўзбекдавнефтназорат) Бош бошқармаси бош назоратчиси Р. Каримовга онаси

Тожихон КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарияти ва шахсий состави Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари У. А. Убайдуллаевга отаси

Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия олий билимгоҳи жамоаси фалсафа кафедрасининг доценти Б. Аҳмаджоновга отаси

Аҳрор Ҳасанович АҲМАДЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ГУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 29.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.